

Гўзал ўрнак



17:25 / 22.11.2017 3750

Батаҳқиқ, сизлар учун - Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди.

Ҳа, мўмин-мусулмонлар учун гўзал ўрнак манбаи уларнинг маҳбуб Пайғамбарлари - Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У киши ҳар бир нарсада, ҳар бир сўзда, ҳар бир ишда мўминлар учун гўзал ўрнақдирлар.

Оҳ, қани энди, ҳамма шу ўрнакнинг моҳиятини тушуниб етса! Расулуллоҳнинг гўзал ўрнак бўлган гап-сўзлари ҳаводан олинган нутқ эмас, Аллоҳдан қилинган ваҳийдир. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишлари Аллоҳнинг амри биландир. Ана шундай гап-сўз гўзал ўрнак бўлмай, қайси гап-сўз гўзал ўрнак бўлиши мумкин?! Ана шундай ишлар гўзал ўрнак бўлмай, бошқа қайси ишлар гўзал ўрнак бўлсин?!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аҳзоб урушида ҳам, одатдагидек, энг гўзал намуналарни кўрсатдилар. Хавф-хатар тасвирлаб бўлмайдиган даражада катта эканига қарамай, заррача қўрқмасдан, Мадинани ҳимоя қилишга чиқдилар. Душманга қарши нима чора кўриш кераклиги ҳақида саҳобалар билан маслаҳат қилдилар. Салмони Форсий розияллоҳу анҳунинг фикрларини қабул этиб, хандақ қазишни бошладилар.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хатарли ва нозик бир пайтда мўмин-мусулмонлар учун ишонч, орзу-умид, хотиржамлик тимсолига айландилар. Ким тушкунликка тушса, қўрқса, иккиланса, умидсизланса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриши билан бу туйғуларидан фориғ бўлар эди.

Хандақ қазиш ишларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммага ўрнак бўлиб, тер тўкдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ер қазир, тупроқ сура ва замбил кўтарар эдилар. Оғир меҳнат енгиллашиши учун жўр бўлиб, шеър ўқиган саҳобаи киромларга ўзларининг муборак овозлари билан қўшилар эдилар.

Мусулмонлардан бирининг номи Жуъайл (қўнғиз) эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг исмини Амр деб ўзгартирдилар. Бундай хавfli пайтда хунук исмдан қутулиш кайфиятни кўтарар эди. Мусулмонлар бундан хурсанд бўлиб, исм ўзгарганини байтга солиб, баланд овоз билан айта бошладилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам байтнинг охирида уларга жўр бўлиб турдилар.

Саҳобалардан Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ёш бўлишига қарамай, тупроқ ташир эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб, «Қандай ҳам яхши бола экан-а?» – деб эркалатдилар. Зайд ибн Собит иш давомида чарчаб, хандақда ухлаб қолди. Шунда Аммора ибн Ҳазм унинг қуролини олиб қўйди. Зайд уйфонгач, қуроли йўқлигини кўриб, қўрқиб кетди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, уйқучи, ухлаб ётганинда қуролинг кетиб қолибдими? – деб ҳазил қилдилар. Сўнгра: – Бу боланинг қуролини ким билади? – деб сўрадилар. Аммора:

– Эй Аллоҳнинг Расули, у менда, – деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Унга қуролини қайтар, – дедилар-да, кейин мусулмон кишининг бирор нарсасини ўзига билдирмай, олиб қўйиб, қўрқитишдан қайтардилар.

Салмони Форсий розияллоҳу анҳу хандақ қазиётганида, олдидан катта харсангтош чиқиб қолди. У харсангни синдира олмади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб, унинг қўлидан чўқморни олдилар. Харсангни куч билан урган эдилар, ўт чақнаб кетди. Яна бир урган эдилар, яна ўт чақнади. Учинчи марта урган эдилар, учинчи марта ҳам ўт чақнади. Шунда Салмони Форсий розияллоҳу анҳу:

– Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули, мен кўрган нарса нима ўзи? Зарба берганингизда ўт чиқди? – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Сен ўшани ростдан кўрдингми, эй Салмон? – деб сўрадилар. Салмон розияллоҳу анҳу:

– Ҳа, – деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Биринчиси билан Аллоҳ таоло менга Яманни фатҳ қилди. Иккинчиси билан Аллоҳ менга Шомни фатҳ қилди. Учинчиси билан Аллоҳ менга Мағрибни фатҳ қилди, – дедилар.

Бу хабар яшин тезлигида мусулмонлар ичида тарқалди. Уларнинг руҳлари юксалди, ғалабага бўлган ишончлари мислсиз даражада ортди.

Шу билан бирга, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тинмай Аллоҳ таолога ёлворар, намоз ўқиб, муножот қилар, Роббул оламийннинг Ўзидан нусрат сўрар эдилар. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси мусулмонлар учун гўзал ўрнақдир. Шунинг учун ҳам ўзларидан кўра сон ва қурол жиҳатидан ғоятда устун бўлган аҳзобларни кўрган мўминлар заррача қўрқмадилар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири ҳилол китобидан)